

Исаков Ж.Я. – ТМИ, доценти, и.ф.д.

КРЕДИТ САМАРАДОРЛИГИНИНГ МОҲИЯТИ

Ушбу мақолада “кредит самарадорлиги” тушунчасининг моҳияти очиб берилган ва республика банкларининг хизматлар соҳасини кредитлаш самарадорлигига баҳо берилган.

Таянч сўзлар: самарадорлик, кредит, кредитлаш жараёни, кредит йиғма жилди, захира, зарар, муаммоли кредит, марказлашган ёндашув, марказлашмаган ёндашув, риск.

В данное статье раскрыть сущность понятия «эффективность кредита» и дана оценка эффективности кредитования сферы услуг коммерческих банков.

Ключевые слова: эффективность, кредит, процесс кредитования, кредитная папка, резерв, убитки, проблемный кредит, централизованный подход, децентрализованный подход, риск

In this article was discovered the meaning of “effectiveness of credit” conception and was given assessment of effectiveness of financing of commercial banks in the sphere of services.

Key words: effectiveness, credit, financing, process of financing, credit portfolio, reserve, loss, problem credit, centralized approach, decentralized approach, risk

Кредитлаш жараёнининг банкларда тўғри ташкил этилиши кредит муносабатларидаги риск даражасини пасайтириш ва кредит самарадорлигини таъминловчи бош омил ҳисобланади ва бу омил банк ходимларининг қай даражада масъулият билан ўз вазифаларига ёндашишларига, уларнинг маҳорат ва малакаларига, шунингдек қарз олувчининг ҳам кредит муносабатига қай даражада масъулият билан ёндашишига боғлиқ.

Кредитнинг самарадорлиги масаласи хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан илмий асосда тадқиқ қилинган ва тегишли илмий-назарий хулосалар шакллантирилган.

Проф. О.И. Лаврушиннинг фикрига кўра, кредитнинг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими мавжуд бўлиб, улар орасида муаммоли кредитлар ва кредитларнинг даромадлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар муҳим ўрин эгаллайди [1].

Проф. Н.Э. Соклинскаянинг хулосасига кўра, рискларни диққат билан кузатиш, сифатли кредит йиғма жилдини шакллантириш, кредитлаш жараёнини бошқариш учун яхши маълумотлар базасига эга бўлиш кредитнинг сифат мазмунини таъминлашнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади [2].

С.Вайн ўз тадқиқотлари натижаларига асосланган ҳолда, кредитларнинг самарадорлигини таъминлашда кредитлар бўйича ташкил этиладиган захираларнинг даражасини муҳим ўрин тутишини эътироф этган [3].

Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, тижорат банклари кредит портфелининг сифатини таъминлашда кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг меъёрий даражаларини таъминлаш ва кредитлардан олинadиган фоизли даромадларнинг барқарорлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади [4].

Таниқли иқтисодчи олимларнинг юқорида қайд этилган илмий-назарий қарашларидан хулоса қилиш мумкинки, тижорат банклари кредитларининг самарадорлигини таъминлашда кредит рискининг паст ва барқарор даражасини таъминлаш ҳамда кредитлардан олинadиган фоизли даромадларнинг барқарорлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Кредитларнинг самарадорлигини баҳолашда инобатга олинadиган асосий омиллардан бири – бу кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражаси ва динамикаси ҳисобланади.

Республикада таснифланган кредитларнинг тўрт тоифаси бўйича захира ажратмалари шакллантирилади:

1-жадвал

Таснифланган кредитлар бўйича захира ставкалари [5]


Таснифланган кредитлар таркиби	Захира ажратмалари ставкаси
Стандарт кредитлар	1 %
Субстандарт кредитлар	10 %
Қониқарсиз кредитлар	25 %
Шубҳали кредитлар	50 %
Умидсиз кредитлар	100 %

Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг тижорат банки активларининг ўртача суммасига нисбатан даражаси 0,5 фоиздан ошмаслиги лозим.

Кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг динамикаси Агробанкда таҳлил қилинган давр мобайнида нобарқарор бўлган. Бу эса, салбий ҳолат ҳисобланади.

1-расм маълумотларидан кўринадикки, 2011-2016 йилларда Ипотекабанкда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси меъёрий даражадан паст бўлгани ҳолда, Асакабанкда ушбу кўрсаткичнинг даражаси меъёрий даражага нисбатан сезиларли даражада юқори бўлган. Бу эса, Асакабанкда таснифланган кредитлар таркибини ёмонлашганлигидан далолат беради ва унинг кредитлаш самарадорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Таҳлил натижалари кўрсатдики, 2011-2016 йилларда Ипотекабанкда маиший товарлар сотиб олиш мақсадига берилган истеъмол кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорлик даражаси умумқабул қилинган меъёрий даражадан паст бўлган. Аммо 2016 йилда ушбу кўрсаткични 2015 йилга нисбатан сезиларли даражада ўсиши кузатилган.



1-расм. АТ «Асакабанк» ва АТ «Ипотекабанк»да кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг активларнинг ўртача суммасига нисбатан даражаси [6], %

Халқаро амалиётда муаммоли активларни бошқаришга асосан марказлашган ва марказлашмаган иккита ёндашув қўлланилади [7]. Биринчи ёндашув давлат томонидан бутун банк тизимининг муаммоли активларини сотиб олиш ва бошқариш бўйича махсус корпорация тузилишини кўзда тутди. Тижорат банкларининг муаммоли кредитларини ажратиш, чиқариш олиш бундай тузилманинг асосий мақсади ҳисобланади. Сотиб олинган кредитлар корпорациянинг қарз мажбуриятлари ёки акцияларига, ёхуд бевосита ҳукуматнинг қарз мажбуриятларига алмаштирилади. Муаммоли кредитларни тез ажратиш олиш имкониятининг мавжудлиги, мазкур ёндашувнинг афзаллигидир, камчилиги эса, алоҳида тузилмани шакллантириш учун қўшимча харажатларнинг мавжудлиги ҳамда реструктуризациялаш жараёнининг узок давом этиши ҳисобланади [8].

Марказлашмаган усулнинг моҳияти, банкнинг таркибида ёки унинг доирасидан ташқарида ишламаётган активларни бошқариш бўйича тегишли тузилмани ташкил этишдан иборатдир. Бундай амалиёт дастлаб Швеция ва Польшада қўлланилган. Қийинчиликни бошдан кечираётган банклар сони кўп бўлмаганда, марказлашмаган усулдан фойдаланиш кўпроқ самара беради. Шунингдек, муддати ўтган қарздорликка эга бўлган мижозларни кредитлаши давом этиши каби салбий томонлари ҳам мавжуд. Японияда ва Швецияда муаммоли кредитлар билан ишлашда иккала усулдан ҳам фойдаланилади.

Корпорация томонидан муаммоли кредитларни сотиб олиш пул маблағлари билан бир қаторда, ҳукумат кафолати остида облигация ва векселлар ҳисобига ҳам амалга оширилиши мумкин. Сўндириш муддати тугашига қадар муаммоли активларнинг кўп қисми қопланади, бундан олинган маблағ эса қимматли қоғозлар бўйича тўловларга йўналтирилади.

Муаммоли кредитларни сотиб олиш баҳоси кредитлар баланс қийматининг 3%дан 100 фоизгача бўлган қисмини ташкил этади [9]. Муаммоли кредитларни банк бошқарувида қолдиришнинг ижобий томонларидан бири, банк миждоз муносабатларининг узилмаслигидир. Бундай қарор қарзни сўндирилиши билан бирга, кредит муносабатларини қайта тиклашга имкон беради.

Биз қуйида тижорат банклари кредитларининг даромадлилик даражасини таҳлил қиламиз.

2-жадвал

АТ “Ипотекабанк”нинг кредитларининг ҳажми ва даромадлилиги [10]

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2012	2013	2014	2015	2016
Кредитлар, млрд. сўм	907	1307	1894	2493	3364
Кредитларнинг даромадлилик даражаси, %	9,0	9,3	8,8	8,9	8,6

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2012-2016 йилларда Ипотекабанкда кредитлар ҳажмининг ўсиш тенденцияси кузатилган бўлсада, кредитларнинг даромадлилик даражаси нобарқарор бўлган. Масалан, ушбу кўрсаткичнинг 2013 йилда 2012 йилга нисбатан ўсиши кузатилган бўлса, 2014 йилда 2013 йилга нисбатан пасайиши кузатилган. Шунингдек, мазкур кўрсаткич 2016 йилда ҳам 2015 йилга нисбатан пасайган. Бу эса, кредитларининг самарадорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.


3-жадвал

АТ “Асакабанк”нинг кредитларининг ҳажми ва даромадлилиги [11]

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2012	2013	2014	2015	2016
Кредитлар, млрд. сўм	2212	2410	2902	3592	5109
Кредитларнинг даромадлилик даражаси, %	9,7	8,5	8,6	8,7	7,5

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2012-2016 йилларда Асакабанк кредитлари ҳажмининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Аммо мазкур даврда кредитларнинг даромадлилик даражаси барқарор бўлмаган. Чунончи, 2013, 2016 йилларда ушбу кўрсаткичнинг олдинги йилларга нисбатан пасайиши кузатилган. Бу эса, кредитларнинг самарадорлигини таъминлаш жиҳатидан салбий ҳолат ҳисобланади.

Кредитлаш Ўзбекистон тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. Шу сабабли, кредитлар тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида салмоғига кўра биринчи ўринни эгаллайди.



3-расм. АТ “Ипотекабанк” ва “Асакабанк” активларининг умумий ҳажмида кредитларнинг салмоғи, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига [12]

3-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, кредитлар Ипотекабанк ва Асакабанк активларининг умумий ҳажмида юқори салмоқни эгаллайди. Бу эса, ушбу банклар учун кредитлаш асосий фаолият тури эканлиги билан изоҳланади.

Кредитлар тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида юқори салмоқни эгаллаганлиги сабабли, кредит портфели сифатининг ёмонлашиши банкларнинг молиявий ҳолатига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради.

Асакабанкда 2016 йилда 2012 йилга нисбатан фоизли даромадларнинг кредит қуйилмаларига нисбатан даражасини 2,3 фоизли пунктга ошганлиги кузатилган. Бу эса, сезиларли даражада ошиш бўлиб, кредит самарадорлигини таъминлаш жиҳатидан ижобий ҳолат ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования: Финансовая академия при правительстве РФ. -4-е изд., стереотип. -М.: КНОРУС, 2008. – С. 36-37.

2. Соколинская Н.Э. Проблемы менеджмента кредитного портфеля в современных условиях//Банковское дело. – Москва, 1999. - №9. – С. 18-19.

3. Вайн С. Оптимизация ресурсов современного банка. – М.: Альпина Паблишер, 2013. – С. 150-151.

4. www.worldbank.org

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - №28. – 22-33-б.

6. www.agrobank.uz; www.asakabank.uz/ru.

7. Лаврушин. О.И, Афанасьева О.Н, Корниенко С.Л. Банковское дело: Современная система кредитования-Москва, 2007. 78 с.

8. Тухтабаев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йуллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. 2006. 14 б.

9. Казарцев А. Решение проблем «плохих» кредитов: Международный опыт//Банковское дело. -2007.-№3-С.63.

10. АТ «Ипотекабанк»нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари. www.ipotekabank.uz

11. АТ «Асакабанк»нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари. www.asakabank.uz/ru

12. www.ipotekabank.uz, www.asakabank.uz/ru